

УДК 631.6: 631.8: 628.179 (999.3)

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

**Умирзоков Ўролбек Ёркул ўғли**

Тошкент давлат аграр универстети

Агролагистика ва бизнес факултети маркетинг ёналиши 4-курс талабаси

**Джорайев Илҳом Раимжон ўғли**

Тошкент давлат аграр универстети

Агролагистика ва бизнес факултети ахборот тизимлари ва технолагиялари ёналиши

3-курс талабаси

### АННОТАЦИЯ

**Аннотация:** Мазкур мақолада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда хорижий мамлакатлар тажрибасининг аҳамияти ва аҳамияти ҳамда иқтисодий самарадорлигини янада ошириш масалалари муҳокама қилинади.

**Калим сўзлар:** экспорт, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти, маркетинг, озиқ-овқат бозори, ички бозор, макроиқтисодиёт.

**Аннотация:** В этой статье рассматривается важность и важность опыта зарубежных стран в производстве сельскохозяйственной продукции и дальнейшей экономической эффективности.

**Ключевые слова:** экспорт, экспорт сельскохозяйственной продукции, маркетинг, продовольственный рынок, внутренний рынок, макроэкономика.

**Abstract:** This article examines the importance and importance of the experience of foreign countries in the production of agricultural products and further economic efficiency.

**Keywords:** export of agricultural products, export, marketing, food market, domestic market, macroeconomics.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳаси кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Бугунги кунга келиб қишлоқ хўжалик соҳаси аҳолини озиқ-овқат

маҳсулотларига бўлган талабларини ҳамда саноатни хомашё билан таъминлаб берувчи йирик тармоқлардан бири бўлиб, қишлоқ хўжалиги соҳасини янада ривожлантириш мақсадида Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан мамлакатимизда кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасида модернизация ва диверсификацияни йўлга қўйилиши экологик тоза био маҳсулотларни етиштириш бўйича янги имкониятларни яратиб бермоқда. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида экологик тоза био маҳсулотларни етиштириш ҳамда иқтисодий самарадорликни ошириш учун энг ривожланган хорижий давлатлардаги қишлоқ хўжалиги фаолияти билан боғлиқ тажрибаларни ўрганиш муҳимдир.

Маълумки, дунё миқёсида бугунги кунда XXI аср фан-техника тараққиёти асри сифатида эътироф этилаётганлиги бежис эмасдир. Чунки замоннинг шиддат билан ўзгариши глобаллашув жараёнида барча соҳаларда инновацион, ресурс-тежамкор ноу-хау ва нонотехнологияларни ўрни бекиёс даражада тез суратлар билан ривожланиб бораётганлигидан далолат бермоқда.

Бу борада қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам инновацион, ресурс-тежамкор, ноу-хау ва нонотехнологиялардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш орқали юқори иқтисодий самарадорликка эришиш, экологик тоза био маҳсулотларни етиштириш, уларни рақобатбардошлигини, экспорт салоҳиятини янада ошириш ҳамда жаҳон қишлоқ хўжалиги тажрибасига эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш юртимиздаги бугунги кунда хал қилиниши лозим бўлган энг долзарб масалалардан бирига айланиб бормоқда. Бундай долзарб масалаларга ечим топиш учун энг ривожланган хорижий давлатлардаги қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган илмий ва амалий жиҳатдан асосланган тажрибаларни ўрганиш лозидир.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича дунёдаги энг ривожланган давлатлар ўртасида етакчи ўринда турувчи Германия Федератив Республикасининг қишлоқ хўжалиги соҳасида бугунги кунда янги тизимдаги ишлаб чиқаришни автоматлашган бошқарув тизими йўлга қўйилган бўлиб фермер хўжаликларидаги иш самарадорлигини оширишда энг сўнгги замонавий ахборот тизимида фаолият кўрсатаётган



инновацион, ресурс-тежамкор нау-хоу ва нонотехнологиялар билан жиҳозланганлиги экологик тоза био маҳсулотларни етиштиришда энг устувор муҳим аҳамиятга эга бўлган модернизацияни такомиллашганлиги буни натижасида эса экологик тоза био маҳсулотларни диверсификациясини кенгаётганлигидан далолат бермоқда. Мамлакатимиздаги қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам Германия Федератив Республикасининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг сўнгги замонавий технологиялардан фойдаланишни йўлга қўйиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Мамлакатимиздаги қишлоқ хўжалиги соҳасини ҳам бугунги кунда янада ривожлантириш учун Германия Федератив Республикасининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий ва амалий тажрибаларни, методларни, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги иш тизимини такомиллашган даражада йўлга қўйилганлигини чуқур ўрганиш ва мамлакатимиздаги қишлоқ хўжалиги соҳасига тадбиқ этишимиз лозим бўлган масалалардан бири ҳисобланади. Бундай такомиллашган тизимдаги қишлоқ хўжалиги фаолиятини ташкил этиш учун жаҳон тажрибасига эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш орқали ишлаб чиқаришни автоматлашган бошқарув тизимини йўлга қўйиб экологик тоза био маҳсулотлар етиштириш ҳамда юқори даражадаги иқтисодий самарадорликка эришиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртларида қишлоқ хўжалиги соҳаси энг ривожланган хорижий давлатлардаги олий ўқув юртлари билан ўқиш ва амалиёт дастурларини, малака ошириш, билим, кўникма ҳамда тажриба алмашиш бўйича ҳамкорлик алоқаларини янада яхшилаш энг муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалардан бири ҳисобланади.

Глобаллашув жараёнида халқаро майдонда бугун энг муҳим бўлган масала бу ҳар қандай соҳадаги ахборот манбайи ҳисобланади. Мамлакатимиздаги қишлоқ хўжалиги соҳасида экологик тоза био маҳсулотларни етиштириш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ҳамда юқори иқтисодий самарадорликка эришишда энг аввало ҳар томонлама интеллектуал салоҳиятли, билимли ҳамда жаҳон қишлоқ хўжалиги тажрибасига эга бўлган мутахассисларни тайёрлашимиз муҳим аҳамиятга эгадир.



Чунки жаҳон қишлоқ хўжалиги тажрибасига эга бўлмаган мутахассислар бугунги кунда кўплаб муоммоларга ечим топа олмайди.

Улар энг сўнги замонавий инновацион, ресурс-тежамкор нау-хоу ва нонотехнологиялардан самарали фойдаланишни билмаслиги, қишлоқ хўжалиги соҳасида компютерлашган бошқарув тизимини ташкил қила олмаслиги, маҳсулотларни экологик тоза био даражада янги турларини кўпайтириб етиштира олмаслиги, жаҳон қишлоқ хўжалиги соҳасидаги адабиётларни интернет тизимидан доимо ўқиб ўрганмаслиги, кунлик бухгалтерия хисобини юритмаслиги, менежмент ва менежерлик салоҳиятини оширмаслиги, хорижий давлатлардаги энг ривожланган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги янгиликлардан хабардор бўлмаслиги ҳамда улар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрната олмаслиги оқибатида мамлакатимизда замон талабларидаги қишлоқ хўжалиги соҳасидаги экологи тоза био маҳсулотларни етиштириш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириб юқори даражада иқтисодий самарадорликка эришишни йўлга қўйилмаётганлиги бугунги кунда долзарб муаммога айланиб бормоқда.

Шунинг учун жаҳон қишлоқ хўжалиги тажрибасига эга бўлган мутахассисларгина қишлоқ хўжалиги соҳасида энг сўнги тажриба, билим ва кўникмаларни эгаллаб, мамлакатимиздаги қишлоқ хўжалиги соҳасини ҳар томонлама юқори даражада ривожлантириб, экологик тоза био маҳсулотларни етиштириб, иқтисодий самарадорликни оширишда ҳар томонлама муносиб мутахассислар бўлиб етиша олади.

Жаҳон қишлоқ хўжалиги тажрибасига эга бўлган мутахассислар хорижий давлатларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тажрибаларини ўрганиш орқали жаҳон мамлакатларининг қишлоқ хўжалиги соҳасида қўлланилмаётган янги лойиҳаларни, ғояларни, дастурларни ҳамда такомиллашган бошқарув тизимларини мамлакатимиздаги қишлоқ хўжалик соҳасида ишлаб чиқа олсагина улар ҳақиқий жаҳон қишлоқ хўжалиги тажрибасига эга бўлган мутахассислар бўлиб етиша олади.

Ҳар қандай соҳанинг равнақи бу кадрларнинг интеллектуал салоҳиятига боғлиқдир. Ҳар қандай маҳсулотни етиштиришда, иқтисодий самарадорлигини



оширишда, билим, кўникма, тажриба энг муҳим омил бўлиб, Юртбошимиз таъкидлаганидек фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғояга, жаҳолатга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан кураша оладиган юқори интеллектуал салоҳиятли ватанимизни эртанги куни бўлган юксак маънавиятли, жаҳон кишлоқ хўжалиги тажрибасига эга бўлган мутахассисларни тайёрлашдан иборатдир. Зеро, уларнинг билим ва кўникмалари ҳар доим ватан равнақи учун хизмат қилмоғи лозимдир.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги ПФ-3709-сон “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони. Тошкент 2016 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 апрелдаги «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Тошкент 2016 йил
3. Ваҳобов А. Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши: озиқ-овқат саноати ҳамда кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида тўсқинликлар ва имкониятлар. // Ўзбекистон иқтисодиёти. – 2016. -№1. 104–116;
4. Абатуров В. Продовольственная опасность. //Экономическое обозрение. Ташкент, 8№ .2017. с.50–54. 3. Мухитдинова У.С. Методология и методика оценки эффективности функционирования рынка плодоовощной и виноградной продукции. // Экономика и финансы. Москва. 2018 – №11 (150) ноябрь. с. 68-69.
5. Ш. Мирзиёев. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятини кундалик қондаси бўлиши керак” Т.: Ўзбекистон,2017.
6. Экспорт фаолияти бўйича қўлланма. Экономическое обозрение. Тошкент 2014.
7. Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. – Т.: ТДИУ, 2005. – 273 б.
8. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар

бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2017й илга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2017йил 16 январь, -1бет.

9. Барсукова С. В. Международный маркетинг: проблемы и перспективы развития // Вестник Финансового университета, 1999, №3

10. Шибает М. А., Забудьков В. А. Глобализация мировой экономики как предпосылка развития международного маркетинга // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. 2015, № 5–1.

11. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

12. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)

13. [www.fao.org](http://www.fao.org)